



Халқ сўзи

Ўзбекистон —
Келажаги
Буюк
Давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: Info@xs.uz • 2017 йил 20 сентябрь, № 189 (6883) Чоршанба

Сайтимизга ўттиш учун QR-кодни телефонингиз орқали сканер қилинг.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВНИНГ БИРЛАШГАН МИЛЛАТЛАР ТАШКИЛОТИ БОШ АССАМБЛЕЯСИНИНГ 72-СЕССИЯСИДАГИ НУТҚИ (Нью-Йорк шаҳри, 2017 йил 19 сентябрь)



Мухтарам Раис! Жаноби Олийлари! Хонимлар ва жаноблар! Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг юксак минбаридан нутқ сўзлаш имконияти яратилгани учун самимий миннатдорлик изҳор этишга ижозат бергайсиз.

Бизнинг халқимиз бундан бир неча ҳафта олдин ўз давлат мустақиллигининг 26 йиллигини кенг нишонлади.

Бугунги кунда Ўзбекистон жадал ривожланимда. Биз аждодларимизнинг донишмандлик анъаналарига амал қилиб, теран англаган ҳолда, қатъий ислохотларни амалга оширмакдмиз, мамлакатимизнинг янги қиёфасини шакллантириш йўлидан бормоқдамиз.

Жамиятимизда сиёсий фаоллик ортиб бормоқда, барча соҳаларда чукр ислохотлар амалга оширилмоқда. Улардан қўланган мақсад — «Инсон манфаатлари ҳамма нарсадан устун» деган оддий ва аниқ-равшан тамойилни амалга ошириш устувор аҳамиятга эга бўлган демократик давлат ва адолатли жамият барпо этишдан иборат.

Умумхалқ муҳокамасидан сўнг беш йилга муваффақият билан Ўзбекистонни ривожлантириш стратегиясини қабул қилдик. Бу стратегияни ишлаб чиқишда биз ўзимизга четдан назар ташлаб, салоҳият ва имкониятимизни ҳолис баҳолаш билан бирга, хато ва камчиликларимизни ҳам атрофликча танқидий таҳлил қилдик.

Стратегия — бу янгилаш жараёнининг ҳақиқий ҳаракатлар дастуридир. Бу ҳужжат ҳозирги вақтда ҳаётига ички жорий этилмоқда.

2017 йил мамлакатимизда «Халқ билан мулоқот ва инсон манфаатлари йили» деб эълон қилдик.

Бизнинг мақсадимиз — юртимизда халқ ҳокимиятини номига эмас, балки амалда жорий қилиш механизмларини мустаҳкамлашдан иборат.

Ишончимиз комил: халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқимизга хизмат қилиши керак.

Мамлакатимизнинг барча ҳудудларида Президентнинг виртуал ва Халқ қабулхоналари ташкил этилди. Ҳозирги кунга қадар бир миллиондан ортиқ фуқароларимиз бу қабулхоналар орқали ўзларининг долзарб муаммоларини ҳал қилди.

Халқро меҳнат ташкилоти билан ҳамкорликда болалар меҳнати ва мажбурий меҳнатга барҳам бериш бўйича таъсирчан чоралар кўрилди. Бирлашган Миллатлар

Ташкилотининг Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари жаноб Ал-Хусайннинг ташрифи яқунлари бўйича инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш кафолатларини мустаҳкамлаш юзасидан чоратadbирлар дастури ишлаб чиқилди.

Одамларнинг эркин ҳаракат қилишини чеклайдиган хоррижа чиқиш визалари сингари умрини мутлақо ўтаб бўлган ўтмиш қолдиқлари бекор қилинди.

Инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш масалалари бўйича миллий ва халқро нодавлат ташкилотлар билан очик мулоқотимиз фаоллашиб бормоқдамиз.

Инсонпарварлик тамойилларидан келиб чиқиб, шахси қамоқда сақлаш билан боғлиқ кўлаб ҳолатлар қайта кўриб чиқилди.

Экстремизм ғоялари таъсирига тушиб қолган, тўғри йўлдан адашган фуқаролар ижтимоий реабилитация қилинмоқда, уларни соғлом ҳаётга қайтариш учун зарур шароитлар яратилмоқда.

Эндиликда инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш соҳасидаги барча ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари фаоллиги парламент ва фуқаролар томонидан доимий назорат қилиб боришмоқда.

Мамлакатимизда сиёсий партиялар, фуқаролик жамиятининг роли ортиб бормоқда, суд органларининг чинакам мустақиллиги таъминланмоқда.

Оммавий ахборот воситаларининг ўрни сезиларли даражада ортиб бормоқда.

Иқтисодий тизимини либераллаштириш, қўлай инвестиция муҳитини яратиш амалга оширилмаётган ўзгаришларнинг энг муҳим йўналишларидир.

Биз оддий бир ҳақиқатдан келиб чиқмоқдамиз: халқ бой бўлса, давлат ҳам бой ва қудратли бўлади.

Ўзбекистон шу ойнанинг бошидан миллий валютани эркин конвертация қилиш тизимига тўлиқ ўтди. Бу борада аҳоли учун юзага қилиши мумкин бўлган салбий оқибатларни юмшатиш бўйича барча зарур чоралар кўрилди.

Мамлакатимизда илк бор тадбиркорлар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш бўйича Омбудсман институти жорий этилди. Бизнес соҳасидаги солиқлар сезиларли равишда қисқартирилди, кредит олиш имконияти кенгайтирилди.

Янги эркин иқтисодий зоналар ташкил этилди, уларда инвесторларга кенг имтиёзлар яратиб берилди.

Халқро молиявий исти-

тутлар билан ҳамкорлик муваффақиятли ривожланимда, биз Европа тиланиш ва тараққиёт банки билан шериклик алоқаларини янгитдан тикладик.

Харакатлар стратегиясининг мазмун-моҳияти Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг Барқарор ривожланиш мақсадлари билан тўла ҳам-ҳон эканини таъкидлашни истардим.

Хурматли мажлис иштирокчилари!

Биз қатъий ишонамиз, Бирлашган Миллатлар Ташкилоти бундан кейин ҳам халқро муносабатларда ҳал қилувчи ўрин тутди.

Ўзбекистон ушбу ташкилотнинг босқичма-босқич ислохот этилиши тарафдоридир. Биз Хавфсизлик Кенгашини бугунги кун талабларига мос равишда кенгайтириш зарур, деб ҳисоблаймиз.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг янги раҳбарияти томонидан ташкилотни бошқариш тизимини тақомиллаштириш бўйича амалга оширилмаётган тадбирларни кўлаб-қувватлаймиз.

Ишонтириб айтмоқчиман, Ўзбекистон БМТнинг тузилмалари билан ҳамкорликни бундан кейин ҳам изчил давом эттиради.

Биз жаноб Бош котиб Антониу Гутерришнинг яқинда Ўзбекистонга ташрифи яқунлари бўйича ишлаб чиқилган «Йўли харитасининг амалий ижросини таъминлаш бўйича қатъий чоралар кўра-

Кўлаб масалалар бўйича принципал жиҳатдан муҳим ечимлар топишга эришишди.

Сентябрь ойининг бошида Ўзбекистон — Қирғизистон давлат чегаралари тўғрисидаги шартнома имзоланиши том маънода муҳим воқеа бўлди.

Томонлар ўз сиёсий иродасини, ўзаро мақбул қарорлар қабул қилишга тайёр эканини намойён этгани тўғрисида ўтган йилги рамазон ойи давомида биринчи марта ушбу гоят нозик масала бўйича катта натижага эришидик.

Биз ўз билан айтганда, ўтган қисқа вақт мобайнида минтақада фуқаролар арасида сиёсий муҳит яратишга эришидик.

Бу тенденциянинг мустаҳкамланиши Марказий Осиё давлатлари Президентлари муносабатларини янада яқинлаштиришга имконият яратган бўлиб эди, деб ҳисоблайман.

Биз ноябрь ойида Самарқандда Бирлашган Миллатлар Ташкилоти шафелигида ўтказилган «Марказий Осиё: янгона тарих ва умумий келажақ, барқарор ривожланиш ва тараққиёт йўлидаги ҳамкорлик» мавзусидаги юқори даражадаги халқро анжуманида минтақадаги фундаментал муаммоларни муҳокама қилишнинг режалаштириганимиз.

Ушбу анжуман юқунда биз Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг Марказий Осиё давлатларининг хавфсизлигини таъминлаш ва минтақавий ҳамкорликни мустаҳкамлаш борасидаги саъй-ҳаракатларини кўлаб-қувватлашга доир махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифини киритишни мўлжаллаганимиз.

Бу тақлифни БМТ раҳбарияти ва халқро ҳамжамият кўлаб-қувватлайди, деб ишонамиз.

Мухтарам Раис жаноблари! Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш билан боғлиқ муаммолар тўғрисида сўз юритар эканмиз, минтақанинг умумий сув захираларидан оқилона фойдаланиш каби муҳим масалани четлаб ўтмаймиз.

БМТ Бош котибининг «сув, тинчлик ва хавфсизлик муаммолари ўзаро чамбарчас боғлиқ» деган позициясини тўла кўлаб-қувватлаймиз.

Ишончимиз комил, сув муаммосини ҳал қилишнинг минтақа мамлакатлари ва халқлари манфаатларини тенг ҳисобга олишдан бошқа оқилона йўли йўқ.

Ўзбекистон БМТнинг прерентив дипломатия бўйича минтақавий маркази томонидан ишлаб чиқилган Амударё

лик ғояси «вируси» тарқалишининг олдини олишдир.

Бунинг учун ёш авлодни ижтимоий кўлаб-қувватлаш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги кўп томонлама ҳамкорликни ривожлантириш лозим, деб ҳисоблаймиз.

Шу муносабат билан Ўзбекистон глобаллашув ва ахборот-коммуникация технологиялари жадал ривожланиб бораётган бугунги шароитда ёшларга оид сиёсатни шакллантириш ва амалга оширишга қаратилган умумлаштирилган халқро ҳуқуқий ҳужжат — БМТнинг Ёшлар ҳуқуқлари тўғрисидаги халқро конвенциясини ишлаб чиқишни тақлиф этади.

Бизнинг назаримизда, мазкур ҳужжатни имзолайдиган давлатлар ушбу соҳани ўз ижтимоий сиёсатининг асосий ва муҳим ҳаётий устувор йўналишларидан бири даражасига кўтариш бўйича қатъий мажбуриятларни ўз зиммасига олиши керак.

Биз бундан жамоатчилигимизга ислом динининг асл инсонпарварлик моҳиятини етказишни энг муҳим вазифа, деб ҳисоблаймиз.

Биз муқаддас динимизни азалий қадриятларимиз муҳим асосининг ифодаси сифатида беҳад қадрлаймиз. Биз муқаддас динимизни зўравонлик ва қон тўкиш билан бир қаторга қўядиганларни қатъий қоралаймиз ва улар билан ҳеч қачон муро-са қила олмаймиз.

Ислом дини бизни эзгулик ва тинчликка, асл инсоний фазилатларни асраб-авайлашга даъват этади.

Марказий Осиё Уйғониб келишимизнинг кўлаб ёрқин намоёндаларининг ислом ва жаҳон цивилизациясига қўшган баёбах ҳиссасини алоҳида қайд этмоқчиман.

Ана шундай буюк алломулардан бири Имом Бухорий ўз аҳамиятига қўра ислом динида Қуръонни қаримдан кейинги муқаддас китоб ҳисобланган «Саҳихи Бухорий»нинг муаллифи сифатида бугун дунёда тан олинган.

Бу улуг зотнинг гоят бой меросини асраб-авайлаш ва ўрганиш, маърифатий ислом тўғрисидаги таълимоти кенг ёйиш мақсадида биз Самарқандда Имом Бухорий номидида Халқро илмий тадқиқот марказини ташкил этиш тўғрисида қарор қабул қилдик.

Тошкентда ташкил этилган Ислом цивилизацияси марказининг фаолияти ҳам шу мақсадга хизмат қилди.

Бугунги кунда иштирокчиларига БМТ Бош Ассамблеясининг «Маърифат ва диний бағрикенглик» деб номланган махсус резолюциясини қабул қилиш тақлифи билан мурожаат қилмоқчиман.

Бу ҳужжатнинг асосий мақсади — барчаннинг таълим олиш ҳуқуқини таъминлашга, саводсизлик ва жаҳолатга барҳам беришга қўмақлашдан иборат.

Ушбу резолюция бағрикенглик ва ўзаро ҳурматни қарор топтириш, диний эркинликни таъминлаш, эътиқод қилувчиларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш, уларнинг камситилишига йўл қўймасликка қўмақлашга қаратилган.

Хонимлар ва жаноблар! Ўзбекистон ҳеч қандай блокка қўйилмаслик мақорини сақлаб қолган ҳолда, очик мулоқотга тайёрдир. Биз барча шерикларимиз билан тинчлик, тараққиёт ва фаровонлик йўлида ҳамкорликни кенгайтиришдан манфаатдоримиз.

Биз мамлакатимизда олиб борилаётган ислохотларнинг асосий мақсади инсон, унинг эътиёб ва манфаатларини таъминлашдан иборат бўлган энг муҳим устувор вазифаларни муваффақиятли амалга оширишнинг ҳал қилувчи шартин айнаш шунда муҳим, деб ҳисоблаймиз.

Эътиборингиз учун раҳмат.

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига ташрифи самарали учрашув ва тадбирларга бой бўлмоқда.

Нью-Йорк, 19 сентябрь. ЎзА махсус мухбири Анвар САМАНДОВ хабар қилади.

Шавкат Мирзиёев 19 сентябрь кун Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясида нутқ сўзлади. Нутқда билдирилган ғоя ва ташаббуслар йиғилганларда катта қизиқиш уйғотди.

БМТнинг Нью-Йорк шаҳридаги бош қароргоҳида Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссари Зайд Раад ал-Хусайн билан учрашуви бўлиб ўтди.

Президентимиз Ўзбекистон фуқаролик жамиятини янада ривожлантириш, чинакам демократик ҳуқуқий давлат барпо этишнинг қатъий тарафдори эканини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Харақатлар стратегиясини доирасида амалга оширилаётган кенг қўламли ўзгаришларни кўлаб-қувватлаётгани учун Олий комиссарга миннатдорлик билдириди.

Олий комиссар Ўзбекистонга амалга оширилаётган ислохотларни кўлаб-қувватламоқда. Жорий йил май ойида Ўзбекистон делегацияси Халқро валюта жамғармасида валюта сиёсатини ислохот қилиш бўйича учрашув ўтказди. Июль ва сентябрь ойларида Жамғарма экспертлари Ўзбекистонга ташриф буюриб, вазирлик асос бўлаётганини қайд этди.

Зайд Раад ал-Хусайн мамлакатимиз ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (ИХОКБ) ўртасидаги амалий ва очик мулоқотни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга янги суръат бахш этган 2017 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифи яқунлари юксак баҳолади. Июнь ойида парламент Бошқарма билан ҳамкорлик бўйича 90 дан ортиқ тадбирдан иборат харақатлар режасини қабул қилди. ИХОКБнинг Бишкекдаги минтақавий офиси билан фаол ҳамкорлик ривожланимоқда. Сентябрь ойи бошида ушбу офис раҳбари Ўзбекистонда бўлди. Сентябрь ойи охирида БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳиднинг

Ўзбекистонга ташрифи билан келиши режалаштирилган.

Зайд Раад ал-Хусайн Шавкат Мирзиёевга 2017 йил 10-11 ноябрь кунлари Самарқандда ўтказилган Марказий Осиёда хавфсизлик ва барқарор тараққиётнинг долзарб муаммолари бўйича халқро анжуманида иштирок этишга тақлиф қилгани учун миннатдорлик изҳор этди ҳамда Ўзбекистон Республикаси билан инсон ҳуқуқлари масаласи бўйича амалий ҳамкорликни давом эттиришга тайёр эканини билдириди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев ўзи учун ажратилган қароргоҳда Халқро валюта жамғармаси фармойиш берувчи директор Кристин Лагардни қабул қилди.

Давлатимиз раҳбари ушбу учрашувдан мамнуллигини билдириб, Халқро валюта жамғармаси жаҳон иқтисодий таъминоти вази-ятнинг яхшилашида муҳим ўрин тутётганини таъкидлади.

Жамғарма мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислохотларни кўлаб-қувватламоқда. Жорий йил май ойида Ўзбекистон делегацияси Халқро валюта жамғармасида валюта сиёсатини ислохот қилиш бўйича учрашув ўтказди. Июль ва сентябрь ойларида Жамғарма экспертлари Ўзбекистонга ташриф буюриб, вазирлик асос бўлаётганини қайд этди.

Зайд Раад ал-Хусайн мамлакатимиз ва Инсон ҳуқуқлари бўйича Олий комиссар бошқармаси (ИХОКБ) ўртасидаги амалий ва очик мулоқотни кенгайтириш ва мустаҳкамлашга янги суръат бахш этган 2017 йил май ойида Ўзбекистонга амалга оширилган ташрифи яқунлари юксак баҳолади. Июнь ойида парламент Бошқарма билан ҳамкорлик бўйича 90 дан ортиқ тадбирдан иборат харақатлар режасини қабул қилди. ИХОКБнинг Бишкекдаги минтақавий офиси билан фаол ҳамкорлик ривожланимоқда. Сентябрь ойи бошида ушбу офис раҳбари Ўзбекистонда бўлди. Сентябрь ойи охирида БМТнинг дин ва эътиқод эркинлиги масаласи бўйича махсус маърузачиси А.Шаҳиднинг

ХАЛҚРО ВАЛЮТА ЖАМҒАРМАСИНИНГ ФАРМОЙИШ БЕРУВЧИ ДИРЕКТОРИ КРИСТИН ЛАГАРДА БАЁНОТИ

Халқро валюта жамғармасининг фармойиш берувчи директор Кристин Лагард 19 сентябрь кун Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг қуйидагича баёнот берди:

«Мен Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев билан учрашувдан сўнг мамнуман. Ўзбекистон раҳбарияти кенг қўламли ислохотларни амалга оширмоқда. Бу, аввало, яқинда амалга оширилган валютани тартибга солиш тизимидаги ўзгаришларга тегишлидир. Биз иқтисодий тизимни мустаҳкамлаш, янада кўп иш ўришлари яратиш, барқарор ва комплекс тараққиётга эришишда муҳим аҳамият касб этадиган ушбу ташаббусларни кўлаб-қувватлаймиз.

Мен Президент Шавкат Мирзиёевнинг қўшни мамлакатлар билан минтақавий ҳамкорликни яхшилашга

доир ташаббуслари билан қутлайман. Минтақавий ҳамкорлик сув ресурсларидан биргаликда фойдаланиш, самарали минтақавий энергетика тизимини яратиш ва транспортни ривожлантириш каби йирик муаммоларни ҳал қилишда жуда муҳим ўрин тутди.

Ўзбекистондаги ислохотлар жараёни узоқ давом этади ва бу осон кечмайди. Мен иқтисодий ўсишнинг янада юқори суръатларга эришиш ва аҳоли турмуш фаровонлигини ошириш йўлида Халқро валюта жамғармаси Ўзбекистон билан қатъий ҳамкорликка тайёр эканини таъкидлайман».

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ АҚШГА ТАШРИФИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Кристин Лагард Шавкат Мирзиёев раҳбарлигида Ўзбекистонда амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар жараёнида иқтисодий ва ижтимоий ҳаёт барқарорлигини таъминлашга алоҳида эътибор қаратилаётганини диққатга сазовор эканини таъкидлади.

Учрашувда валюта ислохоти жараёнида давлат органлари ва тижорат банкларини қўллаб-қувватлаш, савдодаги тарифларни камайтириш, ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолини муҳофаза қилиш бўйича амалга оширилган ишлар ҳақида сўз юритилди. Давлат бюджетини профицит билан бажариш, солиқ маъмуричилиги ва давлат статистикаси соҳасини тубдан яхшилаш, банк тизимининг барқарорлигини таъминлаш, ташқи савдо сўбатини эркинлаштириш каби наватдаги вазифаларга эътибор қаратилди. Ўзбекистон билан Халқаро валюта жамғармаси ҳамкорлигини кенгайтириш, мамлакатимизда ишбилармонлик ва инвестиция муҳитини тақомиллаштириш масалалари бўйича фикр алмашилди.

Кристин Лагард Халқаро валюта жамғармаси техник қўмаклашиш ва иқтисодий сиёсат масалалари бўйича

тавсиялар бериш орқали Ўзбекистон молия тизимида амалга оширилаётган чора-тадбирларни қўллаб-қувватлашга таянганлигини билдирди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев АҚШнинг етакчи компаниялари раҳбарларини қабул қилди. Учрашувда Америка — Ўзбекистон савдо палатаси раиси Кэролин Лэмм, «Женерал Электрик» компанияси президенти Рон Полетт, «Ханвелл» компанияси президенти ва ижрочи директори Ражив Гаутам, «СиЭнЭйч Индастриал» компанияси вице-президенти Стивен Надерни, «Дир энд Компани» компанияси президенти Жеймс Филд иштирок этди.

Давлатимиз раҳбари ишбилармонларни самимий қўллаб, Ўзбекистон билан Америка Қўшма Штатлари ўртасида савдо-иқтисодий ва инвестициявий ҳамкорлик ривожланиб бораётгани, Америка — Ўзбекистон савдо палатаси қўшма лойиҳаларини қўллаб-қувватлаш ва амалга оширишнинг муҳим механизмига айланишини таъкидлади.

Шавкат Мирзиёев Кэролин Лэмм билан суҳбатда 2017 — 2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясига мурофиқ мамлакатимизда Мазмурий ислохотлар концепцияси қабул қилин-

ганини қайд этди. Мазкур ҳужжат давлат бошқарувининг янги, самарали ва сифатли фаолият юритиш тизимини яратиш, давлат бошқаруви органлари ва маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг уйғун фаолиятини ташкил этишга хизмат қилади.

Мамлакатимизда валюта соҳасида бозор механизмлари жорий этилгани, савдодаги турли тўсиқлар олиб ташланиши, ишбилармонлик ва инвестиция муҳити янада яхшиланаётгани алоҳида таъкидланди.

Рон Полетт билан мулоқотда Ўзбекистон билан «Женерал Электрик» компанияси ўртасидаги ҳамкорликни кенгайтириш, хусусан, 2018 — 2025 йилларда Ўзбекистон газ транспорти тизимини техник янгилаш, модернизиация қилиш ва ривожлантириш дастурини амалга ошириш тақриф қилинди. Мамлакатимизда гидроэлектр станциялари қуриш, замонавий тиббий ускуналар ва ёритиш мосламалари ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш масалалари муҳофиза қилинди.

Стивен Надерни билан суҳбатда «СиЭнЭйч Индастриал» компанияси билан ҳамкорликда Ўзбекистонда ўрм-йиғим, мелiorация ва йўл қурилишда қўлланладиган, газда ишлайдиган замонавий қишлоқ ҳўжалиги техникалари ишлаб чиқаришни ташкил

эти масалалари эътибор марказида бўлди.

«Ханвелл» компанияси президенти ва ижрочи директори Ражив Гаутам билан суҳбатда ўзаро ҳамкорликда нефть-кимё ва энергетика соҳаларида юқори технологияли қўшма лойиҳаларни амалга ошириш, авиация ускуналарини етказиб бериш борасида фикр алмашилди.

Жеймс Филд билан мулоқот чоғида «Дир энд Компани» компанияси билан алоқаларни янги босқичга кўтариш масалалари муҳофиза қилинди. Хусусан, мамлакатимизда мева-сабзавотчилик ва узумчиликда қўлланладиган трактор ва махсус техника воситалари ишлаб чиқариш, уларнинг эҳтиёт қисмларини тайёрлашни маҳаллийлаштириш, соҳага ихтисослаштирилган тренинг маркази ташкил этиш бўйича тақрифлар кўриб чиқилди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев 20 сентябрь кунини бўлиб ўтадиган Ўзбекистон — АҚШ бизнес-форуми икки мамлакат ишбилармон доиралари ўртасидаги алоқаларни янада мустақимлаш, истиқболли қўшма лойиҳаларни муҳофиза қилиш ва ўзаро манфаатли қилишларга эришишда катта воқеа бўлишини таъкидлади.

Америка — Ўзбекистон савдо палатаси вакиллари Ўзбекистон билан

ҳамкорликда қўшма дастур ва лойиҳаларни амалга оширишда фаол иштирок этишга таянган эканини таъкидлади.

Бирлашган Миллатлар Ташкилоти-га Ўзбекистон Республикасининг тўққизи — Регистон майдонининг махсус топирилди.

Шу муносабат билан ўтказилган маросимда Президентимиз Шавкат Мирзиёев иштирок этди ва нутқ сўзлади.

Тадбирда БМТ Бош қотиби ўринбосари Жен Бигл, Бош Ассамблея сессиясига келган дипломатлар, БМТ ахборот маркази ходимлари қатнашди.

Инсоният цивилизацияси бешикларидан бири бўлган мамлакатимизда илм-фан, маданият, савдо, меъморлик, хунармандлик азалдан ривожланган. Буёқ Ипак йўлининг марказида жойлашган Самарқанда турли ўлкалардан келган инсонлар аҳил-иноқ яшаган. Регистон эса ана шундай қадимий ва умумбашарий шахарнинг бетакор рамзига айланган. Мажмуа 2001 йилда ЮНЕСКОнинг Бунужаҳон маданий мероси рўйхатига киритилган.

Регистон бугунги кунда ҳам дунё сайёҳларини ўзига тортмоқда. Бу ерда ўтказилган «Шарқ тароналари» халқаро мусиқа фестивали унинг

довруғи ва халқлар дўстлигидаги аҳамиятини янада оширмоқда.

Регистон майдонининг макети юртимизнинг қўлигул уста хунармандлари томонидан ясалган бўлиб, қимматбахо металл ва гўзал миллий нақшлар билан безатилган.

Ўзбекистоннинг ташриф қоғози бўлиши ушбу экспонатнинг БМТ штаб-квартирасининг энг гавжум жойларидан бирига, БМТ Хавфсизлик Кенгаши ва Бош Ассамблея заллари ўртасидаги фойега ўрнатилганида ўзига хос чўқур рамзий маъно бор, деди давлатимиз раҳбари.

БМТ Бош қотиби ўринбосари Жен Бигл шундай гўзал ва теран мазмунга эга тўғрға учун Президентимизга чўқур миннатдорлик билдирди.

Маросим БМТ каналлари орқали эфирга узатилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев рафиқаси билан Америка Қўшма Штатлари Президенти Дональд Трамп томонидан уюштирилган расмий қабул маросимида иштирок этди.

Давлатимиз раҳбарининг АҚШга ташрифи давом этмоқда.

Ў.А.

Сардор ЎРМОҢОВ олган сурат.

ПОКИСТОН ИСЛОМ РЕСПУБЛИКАСИ ҚУРОЛЛИ КУЧЛАРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТАШРИФИ

2017 йил 18 сентябрь кунини Покистон Ислам Республикаси Қуролли Кучлари штаблар бошлиқларининг Бирлашган қўмитаси раиси, генерал Зубайр Маҳмуд Ҳаёт бошчилигидаги делегация расмий ташриф билан Ўзбекистонга келди.

Ташриф доирасида Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Абдулла Арипов генерал Зубайр Маҳмуд Ҳаётни қабул қилди. Шунингдек, мамлакатимиз мудофиза вазири, генерал-майор Абдусалом Азизов меҳмонлар билан учрашди.

Музокараларда минтақавий хавфсизлик ва икки томонлама ҳарбий ҳамкорликнинг бугунги ҳолати, томонларни қизиқтирган бошқа масалалар муҳофиза қилинди.

Покистон делегацияси раҳбари Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Стратегик ва минтақаларо тадқиқотлар институтига ташриф буюрди ва институти фаолияти билан танишди.

Ташриф дастурида Бухоро ва Самарқанд шаҳарларининг диққатга сазовор жойлари билан танишиш, шунингдек, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасига ҳурмат баҳо келтириш ва қабрига гул қўйиш кўзда тутилган.

Ў.А.

ТАДБИР

Буёқ давлат ва сиёсат арбоби, Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов хотирасини абадийлаштириш, шунингдек, унинг меросини оммалаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа томонидан мустақиллигимиз асосчисини яқиндан билган юртдошларимиз ҳамда хорижий давлатлар фуқароларидан Ислам Каримовнинг ҳаёти ва фаолияти билан боғлиқ хотиралар акс этган ёзма, фото ҳамда видеоматериалларни қабул қилиш ишлари давом этмоқда.

Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа кутубхонаси фонди яна 500 дан зиёд китоблар билан бойиди

Кеча Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа кутубхонаси фонди яна беш юздан зиёд китоблар билан бойиди. Истиклол йилларида ўзбек, қорақалпоқ, рус, инглиз тилларида чоп қилинган, турли соҳаларга оид 124 номдаги ана шу китоб, тўплам ва ўқув қўлланмалари «Бактрия-пресс» хусусий нашриёти томонидан топширилди.

Шу муносабат билан ташкил этилган анжуманда сўзга чиққан Ислам Каримов номидаги илмий-маърифий мемориал мажмуа раҳбари Темур Ширинов, Биринчи Президентимизнинг рафиқаси Татьяна Каримова ҳамда бошқалар халқимиз ўзининг мустақиллик йилларида эришган барча оламшумул ютуқ ва натижаларини Биринчи Президентимиз номи ҳамда фаолияти билан узвий боғлиқ, деб ҳисоблашгани, Ислам Каримов нафақат Ўзбекистон, балки жаҳон миқёсида ҳам катта ҳурмат ва обрў-эътибор қозонган улкан шахс ҳамда арбоб бўлганини таъкидлади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг 2017 йил 25 январдаги «Ўзбекистон Республикасининг Биринчи

Президенти Ислам Абдуганиевич Каримовнинг хотирасини абадийлаштириш тўғрисида»ги қарори асосида кенг қамровли ишлар амалга оширилаётгани қайд этилди. Хусусан, яқинда азиям пойтахтимиз — Тошкент шаҳрида ҳамда Ислам Абдуганиевич тугилиб ўсган, камолга етган ва мангу ором топаган Самарқанд шаҳрида Биринчи Президентимизнинг сиймоси акс этган ҳайкаллар очилди. Шунингдек, Қарши шаҳрида ҳам муҳташам ҳайкал барпо қилиниши белгиланган. Самарқанд шаҳрида Ислам Каримов дафни этилган жойда ёдгорлик мажмуаси қад ростлапти. Буларнинг барчаси эл-юртимизнинг ушбу улғур инсонга бўлган юксак ҳурмати ҳамда эҳтирми ифодасидир.

Тадбирда маълум қилинишича, ҳозирги пайтда Биринчи Президентимиз асарларининг электрон нусхаларини тўплаш, уларни мажмуа сайтига жойлаштириш, ўз навбатида, мажмуа кутубхонаси фондини бойитиш йўлида илмий-маърифий китоблар олиб берилапти.

Омонулло ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Ўзбекистон — Евроосиёдаги янги иқтисодий тараққиёт заминини»

Америкада нашр этиладиган нуфузли «Forbes» журналининг веб-саҳифасида эълон қилинган мақола ана шундай номланади. У таҳририят иқтисодий бўлими журналисти Кеннет Рапоца (Kenneth Rapoza) қаламига мансуб.

мустақамлашга интилоқда. Бу йўналишда ташланаётган қадамларнинг амалий моҳиятини эътироф этар экан, муаллиф «Ҳақиқатан ҳам, агар сиз ўз қўнлиларингиз билан келиша олмаганингиз, хориқ сарможаларини жалб қилишнинг истиқболлари ҳамон остида қолишини» таъкидлайди.

тушунган ҳолда, «General Electric» корпорацияси жорий йилда саноат ускуналари ва маъшиқ техника ишлаб чиқариш бўйича лойиҳаларни молиялаштириш юзасида ўз режаларини эълон қилди.

БИЗ ВА ЖАҲОН

Мақолада қайд этилишича, Марказий Осиё минтақасида энг кўп аҳолига эга бўлган Ўзбекистон бошқаруви тизимини қайта тақомиллаштириш бўйича амалий чора-тадбирлар кўрмоқда, минтақда кузатилаётган янги ўзгаришлар муҳити эса мамлакатнинг ривожланиш манфаатларига хизмат қилиши мумкин.

«Бугунги кунда Ўзбекистонда кенг қамровли ислохотлар олиб борилаётди. Президент Шавкат Мирзиёев ўз мамлакатини ташқи дунё учун янада очикроқ қилиш чораларини кўрапти. Мажмуа саноатини янада самарали фойдаланиш мақсадида республика раҳбарияти хориқ капитални жалб этиш учун иқтисодий соҳасини ҳамда ҳуқуқий тизимини модернизациялашга интиллаётди. Қўриллаётган чора-тадбирлар минтақани энг йирик давлати ўз иқтисодий тўла ислоқ қилишга ва қўшни мамлакатлар би-



лан муносабатларда ҳамкорликнинг янги босқичига олиб чиқишига умид тўғримоқда», деб ёзади муаллиф.

Мақолада айрим эксперт ҳамда таҳлилчиларнинг Ўзбекистон ҳақидаги фикр-мулоҳазалари ва баҳолари ҳам ўз ифодасини топади. Масалан, Марказий Осиё ва Кавказ институти (АҚШ) ҳузуридаги Ипак йўли дастури директори Сванте Корнелла қўйишдагиларни баён этган: «Ўзбекистон ўз қўнлилари билан муносабатларини фаол ривожлантирмоқда... Мен Президент Шавкат Мирзиёев олиб бораётган ташқи сиёсатдан ҳайратга тушимди».

Президентликка сайланганидан сўнг Ўзбекистон етакчиси Туркманистон, Қозоғистон, Россия ҳамда Хитойга борди. Сентябрь ойида Қирғизистонда бўлди. Республика Марказий Осиё мамлакатлари билан савдо-иқтисодий алоқаларни

«Eurasia Group» гурӯҳи таҳлилчиси Заҳари Витлин: «Ўзбекистоннинг Марказий Осиёдаги ва унинг ташқарисидидаги давлатлар билан ўзаро муносабатларини бу қадар тезда тиклашни мумкинлигини кўпчилик кутмаган эди. Бу бошқа ўзгаришлар бўлишига ҳам умид бағишлайди».

«Ички сиёсатда Шавкат Мирзиёев маъмурияти ривожланмаётган бозорлардаги энг ўткир муаммолардан бири ҳисобланадиган коррупцияга қарши жиддий курашни бошлади», деб ёзади муаллиф. Президент мунтазам равишда минтақаларга боради, бу фуқароларга давлат раҳбари билан алоқада бўлиб туришга имкон яратмоқда. «Forbes» журналисти ўз мақоласида Ўзбекистоннинг Президентини аҳоли ўртасида кенг миқёсда қўллаб-қувватланаётганига ҳамда одамлар келажакка ишонч билан қарашаётганига алоҳида урғу берган.

Ш. ТУРҒУНБОВ, «Жаҳон» АА шарҳловчиси.

ЎЗБЕКИСТОН МИНТАҚАДА ПРАГМАТИК СИЁСАТ ОЛИБ БОРМОҚДА

Шу йилнинг 5-6 сентябрь кунлари Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қирғизистонга давлат ташрифи билан борди. 9 сентябрь кунини давлатимиз раҳбари Тошкентда Хитой Коммунистик партияси Марказий қўмитаси сиёсий-ҳуқуқий комиссияси қотиби, Ўзбекистон — Хитой ҳуқуматларо ҳамкорлик қўмитаси ҳамраиси Мэн Цзяньчжун қабул қилди ҳамда ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларини

ривожлантиришга қўшган ҳиссаси учун уни «Дўстлик» ордени билан мукофотлади. 9-10 сентябрь кунлари эса Ўзбекистон раҳбари яна бир қўшни мамлакат — Қозоғистонда бўлиб, Ислам ҳамкорлик ташкилотининг Фан ва технологиялар бўйича биринчи саммитида иштирок этди, Афғонистон, Туркия ҳамда Эрон раҳбарлари билан самарали учрашувлар ўтказди.

ХАЛҚАРО КОНФЕРЕНЦИЯ

Самарқандда Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги билан ҳамкорликда «Ўзбекистонда илм-фан, олий таълим тизимининг шаклланиши ва тараққиётида Самарқанд давлат университети-нинг тугган ўрни» мавзуда халқаро илмий-амалий конференция ўтказилди.

Илму фан ва зиё маскани

Унда мамлакатимиз олий таълим муассасалари, илмий-тадқиқот институтлари профессор-ўқитувчилари билан бирга, Россия, АҚШ, Австралия, Италия ҳамда бошқа давлатлардан таниқли олимлар қатнашди. Айтиш жоизки, Самарқанд давлат университети қарий бир асрлик тарихга эга. Бу ерда халқ ҳўжалигининг турли соҳалари учун малакали кадрлар тайёрланади. Йигирмага яқин илмий мактаблар шаклланди. Илмий лабораториялар, ботаника боғи, оранжеря, ноёб илмий экспонатларга эга 4 та музей фаолият кўрсатапти. Қолаверса, даргоҳда талаба-ёшларнинг нафақа тўхта билим эгаллаши, балки илмий изланишлар олиб боришлари учун ҳам қўлай шарт-шароитлар мажмуа.

Анжуманда бир қатор масалалар муҳофиза қилиниб, тегишли тақриф ва тавсиялар ишлаб чиқилди. Мамадиёр ЗИДИНОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАҲЛИЛ

Ўзбекистон Президентининг бундай тизим ташқи сиёсий фаолияти Марказий Осиёдаги минтақавий жараёнларга сифат жиҳатида бутунлай янгича руҳ бағишламоқда. Шубҳасиз, бу Марказий Осиё минтақасининг барқарор ва жадал суратларда ривожланиши учун қўлай шароитларни яратишда ҳал қилувчи аҳамият касб этди.

Аваламбор, Ўзбекистон — Марказий Осиёнинг энг йирик давлати. Мамлакат аҳолиси ўтган асрнинг 90-йиллари бошидаги 20 миллиондан бугунги кунда 32,5 миллион нафардан ошди ҳамда минтақа нуфусининг қарийб ярмини ташкил қилапти. Ун бир йилдан элбб вақт давомида мамлакат иқтисодий юқори ўсish суръатларини намойиш этмоқда. Халқаро молия институтлари 2017/2018 йилларида Ўзбекистон ялли икки маҳсулот 7,4 фоиздан элбб ўсishини прогност қилишапти. Таъбир жоиз бўлса, Марказий Осиё аҳолисининг ярми ана шундай юқори суръатлардаги ижтимоий-иқтисодий тараққиёт билан «таъминланган».

Бундан ташқари, Ўзбекистон раҳбари 2017 — 2021 йилларда мамлакатни ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясини умумхалқ муҳофизасидан эълум қилди ҳамда мамлакатнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жаҳасини модернизациялаш, молия, пул-кредит, инвестиция ҳамда савдо-иқтисодий соҳаларни либераллаштиришга қаратилган улкан ислохотларни олиб бормоқда.

Иккинчидан, Ўзбекистон минтақанинг барча давлати, жумладан, Афғонистон билан умумий чегарага эга бўлган янада давлат саналади. Шунинг учун ҳам халқаро доирада юртимиз Марказий Осиёнинг энг муҳим мамлакатли сифатида тан олинади. Минтақадаги хавфсизлик ва барқарорлик кўп жиҳатдан Ўзбекистон олиб бораётган икки ҳамда ташқи сиёсатга боғлиқ.

Шавкат Мирзиёев ўтган йили сайловдаги кампаниясида Марказий Осиё Ўзбекистон ташқи сиёсатида устувор йўналиш бўлишини эълон қилгани бежиз эмас. Президентимизнинг умумхалқ сайловидан сўнг илк ташрифлари айнан минтақадаги қўшни мамлакатларга — Туркманистон ва Қозоғистонга амалга оширилди. Қирғизистон эса Ўзбекистон раҳбари

ташриф буюрган учинчи сўнги давлат бўлди.

Қирғизистон Республикасига ташриф чоғида Шавкат Мирзиёев ва Алмазбек Атамбоев икки мамлакат ўртасида барча соҳада алоқаларни янада кенгайтириш масалалари ҳамда ҳамкорлик истиқболларини муҳофиза қилдилар. Олий даражадаги музокаралар натижадаги Ўзбекистон — Қирғизистон муносабатлари барча йўналишда янги босқичга чиққанини кўрсатди.

«Халқаримиз ўртасида тарихан шаклланган қардошлик ва ахил қўнничилик муносабатларини юксак қадрайлиши. Айнан мана шу муносабатлар икки давлат ўртасидаги алоқаларнинг мустақам пойдевори бўлиб хизмат қилмоқда», деди Шавкат Мирзиёев.

Ўзбекистон раҳбари ташрифи натижалари сўнги йигирма йилдан ортиқ давр ичида мислсиз, томонларнинг эътироф этишича, тарихийдир. Музокаралар якунида Шавкат Мирзиёев ҳамда Алмазбек Атамбоев Ўзбекистон Республикаси ва Қирғизистон Республикаси ўртасида Кўшма баёнот ҳамда Ўзбекистон — Қирғизистон да-

тараққиётига қўшимча суръат бағишлайди.

Ушбу лойиҳаларнинг рўйбга чиқарилиши, бир томондан, Осиё — Тинч океани минтақаси мамлакатлари, авваламбор, Хитой, иккинчи томондан, Европа ҳамда Яқин Шарқ мамлакатларини энг яқин йўллар билан боғлаш бўйича стратегик имкониятларни очди.

Қайд этиш керакки, Ўзбекистон ва Хитойнинг биргаликдаги сазй-ҳаракатлари билан 2016 йилда қисқа муддатларда Камчик довозидаги темир йўл тоннели ишга туширилди. Мазкур лойиҳа келажакда халқаро транспорт коммуникациясининг энг муҳим таркибий қисмига, «Буёқ Ипак йўли иқтисодий йўналиши» лойиҳаларидан бирининг узвий бўлагига айланиши кўзда тутилган.

Шубҳасиз, бу Марказий Осиёнинг барча мамлақати тараққиётига янги туртки бўлиб, узоқ истиқболда минтақавий барқарорлик ҳамда хавфсизликини мустақамлашнинг асосий омилга айланади. Эътиборлики, бундан Марказий Осиё мамлакатларининг Туркия, Эрон сингари ҳамкорлари ҳам манфаатдордир. Улар Марказий Осиёни Хитой ва Осиё — Тинч океани минтақасининг жадал ривожланаётган бозорларига олиб чиқадиган энг қисқа йўл — табиий кўприк сифатида кўришади.

Шу билан бирга, Тошкент ва Бишкек «Ўзбекистон — Қирғизистон — Хитой» янги автомобиль йўлагини барпо қилиш учун барча сазй-ҳаракат ишга солинишини маълум қилди. Бу лойиҳа минтақа ҳамда давлатлар ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқаларни сезиларли даражада кенгайтиришга имкон беради ва уларнинг иқтисодий

БОЛАЛАР ЗАРАРЛИ АХБОРОТ ХАВФ-ХАТАРЛАРИДАН ҲИМОЯ ҚИЛИНАДИ

Фарзандингиз, кўзингизнинг оқу қораси айна пайтда нималар билан машғул? Уни турли ёт гоа ва таъсирлардан асрай олаёйсизми? Соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан-чи? Президентимиз томонидан жорий йил 8 сентябрь куни имзоланган "Болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунида шу каби саволлар ечимига эътибор қаратилган ҳолда, юртимиз ҳаётида янги ижтимоий муносабатлар белгилаб берилди.

Ҳўш, ушбу Қонундан нималарни кутаяпмиз, қандай янгиликларга тайёр туришимиз керак, деган савол бугун кўпчиликини қизиқтириши табиий. Айтиш мумкинки, мазкур ҳужжатда ахборотга доир ҳуқуқларнинг чекланишига оид масала йўқ. У келажакимиз эгалари бўлмиш болаларнинг соғлиғини муҳофаза этишга қаратилган.

ЯНГИ ҚОНУНЛАР

Бинобарин, Қонуннинг 3-моддасида унинг амал қилиши илмий, илмий-техникавий, статистик ахборотни ўз ичига олган ёки жамият учун тарихий, бадий ёхуд ўзгача маданий қимматга эга бўлган ахборот маҳсулотини айланishi соҳасидаги муносабатларга таъбиқ этилмаслиги аниқ белгилаб қўйилган.

Шунингдек, унда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиши амалга оширувчи органлар ҳамда ташкилотлар тизими келтириб ўтилган. Айна чоғда фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, нодавлат нотижорат ташкилотлари, оммавий ахборот воситалари ҳам ушбу жараёнда иштирок этиши ўз ифодасини топган.

Ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини белгилаш ва ёш тоифаларини қўйиш масалалари мазкур ҳужжатнинг муҳим жиҳатларидан ҳисобланади. Бу жамиятимиз ҳаётида янгилик бўлиб, эндиликда оммавий ахборот воситалари, шу жумладан, Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги веб-сайтлар, блогерлар, реклама воситалари ҳамда бошқа турдаги ахборот тарқатиш каналлари орқали тарқатилган ахборотларда болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказиши мум-

кин бўлган ахборотдан ҳимоя қилиш мақсадида 0+, 7+, 12+, 16+, 18+ ёзувлари акс эттирилиши шарт қилиб қўйилмоқда. Қонунга кўра, ёшга оид таснифни белгилаш ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ва тарқатувчилар томонидан, шу жумладан, экспертларни жалб этган ҳолда, мамлакатимиз ҳудудида тарқатиш бошлангунча қадар амалга оширилади. Бундан кўриниб турибдики, Қонун кунга кириши билан ҳар бир ахборот тарқатувчи, яъни фуқаролар хушёрлик билан тарқатилган ахборотга ёш тоифасини ўзлари ёки бу соҳадаги экспертларнинг ҳулосасига кўра, қўйишлари керак бўлади.

Эксперт текинга ишламайди

Эксперт — ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш ва эксперт ҳулосасини бериш ёки ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини амалга ошириш учун махсус ваколатли давлат органида аккредитациядан ўтган шахсдир. Демак, ахборот тарқатиш билан шуғулланаётган субъектлар ўзлари тарқатаётган ахборотда ёшга оид таснифни қўйишда қандайдир шубҳа ёки ишончсизлик ҳолати бўлса, бемалол

экспертларга сўянишлари мумкин. Бироқ шуни ёдда тутиш керакки, эксперт ҳам текинга ишламайди.

Бозор қонуниятлари билан яшаётган бир вақтда экспертлар ҳақини ҳам ҳисобга олиш айна мумкин. Чунки айрим ахборот маҳсулотлари бўйича ҳулоса беришда узоқ изланиш, ахборот маҳсулотини, керак бўлса, сўт-калаб тасвир орқали томоша қилиб, тадқиқ этишга тўғри келиши мумкин. Бу экспертларнинг ўз ишига маъсулият билан ёндашиши ҳамда хизматига яраша рағбатлантирилишини таъминлайди.

Шу боис Қонунга мувофиқ, ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи эксперт ёки экспертларнинг жалб қилган ҳолда белгиланган тақдирда, бу билан боғлиқ хизматлар ҳақини тўлаш ва харажатларнинг ўрнини қоплаш ушбу хизматларга буюртма берган ахборот маҳсулотини ишлаб чиқарувчилар ёки тарқатувчилар ҳисобидан амалга оширилади. Белгиланган тартибга асосан, аккредитация қилинган экспертларнинг реестри юритилади ҳамда у махсус ваколатли давлат органининг Интернет жаҳон ахборот тармоғидаги расмий веб-сайтига joyлаштириб борилади. Талабгорлар улар ҳақида-

ги маълумотлар билан бемалол танишишлари мумкин.

Жисмоний ва юридик шахслардан махсус ваколатли органга бирор ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифи ёки болалар соғлиғига зарар етказувчи ахборот мавжуд ёхуд мавжуд эмаслиги юзасидан мурожаатлар келиб тушганда, қўли билан беш кун ичида экспертизадан ўтказиш тўғрисида қарор қабул қилинади. Экспертиза экспертлар томонидан мурожаат келиб тушган пайтдан эътиборан ўттиз кундан ошмаган муддатда амалга оширилади.

Ахборот маҳсулотини қаерда тарқатишга йўл қўйилмайди?

Қонуннинг 19-моддасига мувофиқ, жамоат жойларида болаларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотни ўз ичига олган босма маҳсулот тарқатишга ахборот, масалан, журнал, китоб, альбом каби биларни фақат ёпиқ ўровларда тарқатишга йўл қўйилмайди. Бундай ахборот маҳсулотининг болалар учун мўлжалланган таълим, тиббиёт, санаторий-курорт, жисмоний тарбия-спорт муассасаларида, маданият, дам олиш ва соғломлаштириш ташкилотларида тарқатилишига эса умуман йўл қўйилмайди. Агар томоша соғлиғига зарар етказувчи ахборот маҳсулотини мавжуд бўлса, уларнинг иштирок этишига йўл қўйилмаслиги ёки катнашиши чекланиши ҳақида эълон қилинади.

Демак, ота-оналар бундан буюн фарзандлари билан томошабоп тадбирларда боришда ёки уларда иштирок этишда мазкур метёрларни ёдда сақлашлари ҳамда амал қилишлари лозим бўлади.

Қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилади

Ҳар бир қонуннинг амалиётга самарали таъбиқ этилиши ўз вақтида қонуности ҳужжатлари ишлаб чиқилиши билан ҳам боғлиқ. Ушбу муҳим омилни инобатга олсак, яқин вақт ичида мазкур Қонун доирасида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан ахборот маҳсулотининг ёшга оид таснифини аниқлаш мезонлари, болаларни уларнинг соғлиғига зарар етказувчи ахборотдан ҳимоя қилиш соҳасидаги махсус ваколатли давлат органи томонидан экспертларни аккредитациядан, ахборот маҳсулотини экспертизадан ўтказиш тартиблари, экспертларнинг реестрини юритиш қондалари, шунингдек, ташкилий чора-тадбирларга доир норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ишлаб чиқилиши кўтилмоқда.

Умуман айтганда, ушбу Қонун, энг аввало, ота-оналарга фарзандларини тарбиялаш, уларни зарарли ахборотдан муҳофаза-лаш, бунинг ҳуқуқий механизмларини жорий этиш, болаларнинг жисмоний, маънавий ва ахборот хавфсизлигининг қонуний белгиланган қафолатлари комплексини яратиши назарда тутилган билан ниятда аҳамиятлантирилади. Келгусида ушбу талабларни баҳарга нафақат келажакимиз эгаларини зарари ахборотлардан ҳимоя қилиш, шу билан бирга, ҳар биримизнинг фуқаролик позициямиз фаол намоён этишига имкон яратлади.

Расул ҚУШЕРБАЕВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунийлик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси аъзоси.

СЕНАТОР МУШОҲАДАСИ

Президентимизнинг 2017 йил 13 сентябрдаги "Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муролааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури тўғрисида"ги қарори халқимиз маънавий дунёсини бойитиш, давлат тараққиётининг асоси ҳисобланмиш интеллектуал маданиятни юксалтиришга қаратилган муҳим ҳужжат экани билан аҳамиятлидир.

Миллат маънавиятига дахлдор масала

Қарорда келтирилганидек, сўнгги пайтларда ўтказилган кузатиш ҳамда таҳлиллар бу соҳада ўз ечимини кутаётган қатор муаммолар борлигини ва уларнинг кенг кўламда ҳал қилиш зарурлигини кўрсатаётди. Хусусан, халқимиз, аввало, ёшларнинг маънавий-маърифий, бадий-эстетик талабларига мос келадиган китобларни сифатли чоп этиш, жойларга, таълим муассасаларига вақтида ҳамда мақбул нархларда етказиш, миллий ва жаҳон адабиётининг сара намуналарини таржима қилиш, фарзандларимизни болаликдан бошлаб адабиётга ошно этиш долзарб бўлиб қолмоқда.

Бугун битта китобнинг китобхон қўлига етиб боришига бўлган жараёндаги муаммолар нималарда намоён бўлади? Назаримизда, аввало, бадий пишиқ асарлар яратилиши зарур. Бу эса муаллиф-ижодкорларнинг моддий-маънавий рағбатлантирилишига кўп жиҳатдан боғлиқ. Матбаа корхоналари орасида яхши асарларга талаб доим юқори бўлиб келган. Бироқ салохиятли муаллифларни кўпроқ жалб қилиш учун уларга қалам ҳақи — гонорар тўлаш тизимини тубдан яхшилаш зарур. Афсуски, ҳозирги пайтда юртимиздаги аксарият наشريётларда муаллифга гонорар тўламай, унинг ўрнига китобини тўтказиб қўйиш ҳолатлари учрайди. Бу аслида китоб ва китобхонликка хиёнатдан ўзга нарса эмас.

Шу ўринда "Наشريётлар нега бундай йўл тутмоқда?" деган савол туғилиши табиий. Улар чоп этилган китоб маҳсулотларининг сотуви қонқарли даражада эмасми? Китоб дўконларию савдо расталарида сотилмай қолётган китоблар ноширлар сарфлаган харажатни қопламаётган бўлса, эҳтимол, айб наشريётларда ҳам эмасдир? Бундай шароитда ноширлар қардан даромад оладию муаллифларга нимаини ҳисобидан қалам ҳақи тўлайди? Навбатдаги китобларни қайси маблаг эвазига чоп қилади?

Агар аҳоли ўртасида китоб ўқиш суръати, муролаа маданияти ошмаса, бу борада силжиш юз бермаса, мазкур муаммоларни бартараф этиш мушкул. Бунинг учун ҳозирги замон китобхонининг талабига, дидига мос китобларни чоп қилиш лозим.

Давлатимиз раҳбари қароридан мазкур масалаларнинг оқилона ечимини ўз ифодасини топган. Ушбу ҳужжат асосида Китоб маҳсулотларини нашр этиш ва тарқатиш тизимини ривожлантириш, китоб муролааси ва китобхонлик маданиятини ошириш ҳамда тарғиб қилиш бўйича комплекс чора-тадбирлар дастури қабул қилинди.

Дастурга мувофиқ, китоб маҳсулотларини чоп этиш ҳамда тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятига эга бўлган китобларни, айнингса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бу, албатта, муҳим янгилик. Чунки китобларни чоп этиш, китобхонлиқни ривожлантиришдек давлат аҳамиятига эга маънавий-маърифий ишни ўз ҳолига ташлаб, унинг бизнесга айлантирилишига жим қараб туриб бўлмайди.

Шунингдек, китоб маҳсулотлари бўйича давлат буюртмасининг асосий йўналишларини шакллантириш, адабий-бадий, ўқув-услубий, илмий-назарий, илмий-оммабоп ҳамда кўргазмалли адабиётларни чоп қилиш ва тарқатиш тизимини такомиллаштириш, ихтисослаштирилган китоб дўконлари фаолиятини ривожлантириш масаласига ҳам алоҳида эътибор билан ёндашилган.

Биласиз, китоб нашр этиш, савдосини йўлга қўйиш, асосан, худудлар марказларида нисбатан яхши ривожланган. Юртимизнинг чебоха туман ҳамда қишлоқларида китобхон кўп, лекин китоб дўконлари йўқ ҳисоби.

Дастурга биноан, мутасаддиҳон зиммасига қишлоқ аҳолисига кутубхона хизматини кўрсатиш тизимини ташкил қилиш борасида тадбирлар режаси лойиҳасини тайёрлаш юклатилганлиги диққатга сазовор. Қарораллоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликларига ҳар бир шаҳар ҳамда туманда китоб савдосига ихтисослаштирилган дўконларни ташкил этиш, уларни қўллаб-қувватлаш мақсадида юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектларига фойдаланилмаётган давлат мулки объектларини фойдаланиш учун текинга бериш вазифаси қўйилди.

Савдо айланмасида китоб сотиш улушининг ҳажми 70 фоиздан кўп бўлган юридик шахс мақомидаги тадбиркорлик субъектлари 2020 йил 1 январгача ягона солиқ тўловини тўлашдан озоқ қилинган эътирофга молик ана бир жиҳатдир.

2017 йил 1 сентябрь ҳолатига кўра, Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 132 та наشريёт, 1800 дан зиёд матбаа корхоналари давлат рўйхатидан ўтказилган. Улар томонидан ҳар йили 4 минг номдан ортиқ, умумий адади 50 миллион нусхадан кўпроқ ижтимоий-сиёсий, адабий-бадий, илмий, энциклопедик ва маърифий асарлар, жумладан, ўзбек ҳамда жаҳон классик адабиёти намуналари нашр этилмоқда. Айтиш керакки, эллиқдан зиёд наشريётлар болаларбоп китоб маҳсулотларини чоп қилиб келмоқда. Юртимизда нашрдан чиқатган адабиётларнинг ҳар уттадан биттаси болалар ва ёшларга бағишланган.

Демак, Президентимиз қарори билан тасдиқланган дастур ва у орқали берилаётган имтиёзлар ана шунча наشريёт ҳамда матбаа корхоналари томонидан чоп этилаётган китобларни сотишнинг географиясини кенгайтиради, китобхоннинг муролаа имкониятларини оширишга хизмат қилади.

Дастурга мувофиқ, китоб маҳсулотларини чоп этиш ҳамда тарқатиш, ноширлик ва матбаа соҳаларини янада ривожлантиришга оид норматив-ҳуқуқий базани такомиллаштириш, ижтимоий аҳамиятига эга бўлган китобларни, айнингса, болаларга мўлжалланган адабиётларни чоп қилиш давлат томонидан қўллаб-қувватланади. Бу, албатта, муҳим янгилик. Чунки китобларни чоп этиш, китобхонлиқни ривожлантиришдек давлат аҳамиятига эга маънавий-маърифий ишни ўз ҳолига ташлаб, унинг бизнесга айлантирилишига жим қараб туриб бўлмайди.

Гавҳар АЛИМОВА,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг Фан, таълим, маданият ва спорт масалалари қўмитаси раиси ўринбосари.

ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда Жанубий Кореядан келган бир гуруҳ тажрибали шифокорлар ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳоли вакилларини тиббий кўриқдан ўтказди.

Аҳоли саломатлиги йўлида

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раҳнамолигида аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, жисмонан соғлом ва маънан етук авлодини тарбиялашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мамлакатимизда тиббиёт соҳасида амалга оширилаётган изчил ислохотлар жараёнида илгор ҳорижий давлатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик амалиётларига ҳам кенг ўрин берилиб, истиқболли лойиҳалар ҳаётга таъбиқ этилаётди.

Масъулият чекланган жамият шаклидаги "Business Bridge Global" ташкилоти ҳам жаҳоннинг бир қанча етакчи шифохоналари ва тиббиёт билашмалари билан ҳамкорлик қилиб келаяпти. "Star Med Center" клиникасида ташкил этилган тиббий кўриқ бу борадаги ишларнинг узвий давомидир. Тадбирда Жанубий корейлик малакали мухтаassisлар аҳолини урология, педиатрия, кардиология йўналишлари бўйича чуқурлаштирилган тиббий кўриқдан ўтказди.

Шунингдек, ушбу тадбир доирасида Тошкент тиббиёт академиясида оёқ қон томири билан оғриган беморларни жарроҳлик йўли билан соғломлаштириш кўзда тутилган.

Мавжуда ХОЛМАТОВА.

ЮРТИМИЗДА ЕТИШТИРИЛГАН ҚОВУНЛАР ЕВРОПАЛИКЛАР ДАСТУРХОНИДА

Паркент узуми, Бахмал олмаси, Самарқанд гилоси, Риштон ўрғи, Дашнобод анори, Олтиарқ турпи... Юртимизнинг қайси ҳудудини олманг, уларнинг ҳар бири ўз ноз-неъматлари билан машҳур. Замонавий тил билан айтганда, ўз "бренди"га эга. Шу маънода, Сирдарё воҳаси ҳақида гап кетганда, кўз олдимизга, аввало, тилими тилни ёрадиган Мирзачўл қовунлари келади.


ИЗЛАНИШ

Истиқлол йилларида дунёга кўз-кўз қилса арзийдиган моддий ва номоддий бойликларимиз қаторида, полиз маҳсулотимиз довури ҳам узоқ-яқин хорижга, ҳатто океанорчи мамлакатларигача етиб борди. Масалан, ўтган асрнинг тўқсонинчи йиллари охирида Мирзачўл туманилик Аҳмад Тўрабеков бошчилигидаги бир гуруҳ дехқонлар Калифорнияда америкалик тадбиркорларга Мирзачўл қовунини етиштириш арготехникасини ўргатиб келган бир гап. Кейинчалик улар айна тақлиф билан Доминикан Республикаси ва Грузияда ҳам бўлишди. Бинобарин, Мирзачўл "Оқ уруғ"нинг таширф журғофисаи йилдан-йилга кенгайиб бормоқда. Мирзачўл туманидаги "Red Pask" масъулияти чекланган жамияти томонидан ушбу навадаги қовунлар Европа мамлакатларига экспорт қилинаётгани ҳам бунга яққол мисол бўла олади.

— Дастлаб, яъни бундан уч йил аввал ҳамкорларимизга 300 тонна маҳсулот етказиб

берган эдик, — дейди жамият раҳбари Раҳмонберди Саломатов. — Кейинги мавсумда мазкур кўрсаткич 800 тоннага етди. Бу йил экспорт ҳажминини 1000 тоннадан оширишни ният қилганмиз.

Рақамлардан кўриниб турибдики, Ўзбек қовуни европаликлар дастурхонидан мустаҳкам ўрин эгалламоқда. Қолаверса, жамият раҳбари хорижий харидорларнинг полиз маҳсулотларимизга бўлган талабини ўрганиш мақсадида бир неча бор "қўнча қитъа"га бориб келди. У ерда "Ўзбекистон қовунлари" ҳамда "Мирзачўл қовуни" ёрликлари туририлган полиз маҳсулотларининг бозори қаққонлигини ўз кўзи билан кўриб ҳам фархланди, ҳам келгусида экспорт ҳажминини, ҳеч иккиланмай, янада ошириш мумкинлигига тўлиқ ишонч ҳосил қилди. Бунинг учун эса имкониятлар етарли. Муҳими, воҳада қовун етиштиришнинг ҳадисини олган ушбу дехқонлар кўп.



Жамият фаолият бошлаган илк мавсумда қадоқлаш учун банандан бўшган қутилардан фойдаланилар эди. Ростини, бу идишларга қовунларни жойлаштириш нуқолай бўлгани ҳолда, уларнинг манзилга сарҳил ҳолатда етиб боришига тўлиқ қафолат йўқ эди. Ҳозир эса бу борадаги вазият ҳам бутунлай ўзгача: жамият буюртмаси билан пойтахтда тайёрланаётган махсус қутилар оғирлиқни кўтаришга, ҳаво ҳарорати ўзгаришига мослашувчан бўлиб, энг муҳими, маҳсулот бузилмай буюртмачи қўлига етишини таъминлайди.

— Илгари божхона кўриги

Саралашда нуқсонли аниқланган қовунларни замонавий технология асосида қуриштириб, экспортбоп маҳсулотга айлантириш жамият олдида турган наватгадиги вазифалардан бири саналади. Жамоа келгусида ҳудудда етиштирилаётган бошқа бир неча турдаги қишлоқ ҳўжалиги маҳсулотларини ҳам қуриштирилган ва сарҳил ҳолатда экспортга йўналтириш чораларини кўрмоқда.

Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ ВАЗИРЛИКЛАР, ДАВЛАТ ҚўМИТАЛАРИ ВА ИДОРЛАР ТОМОНИДА ҚАБУЛ ҚИЛИНГАН НОРМАТИВ-ҲУҚУҚИЙ ҲУЖАТЛАРНИ ДАВЛАТ РЎЙХАТИДАН ЎТКАЗИШ ҲОЛАТИ Тўғрисида 2017 йил 4 сентябрдан 8 сентябргача бўлган маълумотни хабар қилади.

I. Давлат рўйхатидан ўтказилди:

1. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2017 йил 29 июлдаги 18/2-сон «Тижорат банклари томонидан хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатларини миллий валютада кредитлаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги қарори.
- 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1126-4 (2017 йил 11 сентябрдан кучга кирди).
2. Ўзбекистон стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш агентлиги бош директорининг 2017 йил 31 июлдаги 451-сон «Маҳсулотнинг хавфсизлиги талабларига мувофиқлигини декларациялаш тартиби тўғрисидаги низомига ўзгаришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида»-ги буйруғи.
- 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1465-3 (2017 йил 11 декабрдан кучга кирди).
3. Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш вазирининг 2017 йил 4 августдаги 105-сон «Амбулаторияда даволанишда шакллари айрим тоифаларини имтиёзли асосда дори воситалари билан таъ-

- минлаш бўйича рецептура бланкаларини тўлдириб, дориҳона муассасалари томонидан рецептларни расмийлаштириш, рецептура бланкаларини ва дори воситаларини бепул бериш учун ёзилган рецептларни ҳисобга олиш, сақлаш ва йўқ қилиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги буйруққа ўзгаришлар киритиш тўғрисида»-ги буйруғи.
- 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2509-1 (2017 йил 11 сентябрдан кучга кирди).
4. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 344-В, 26-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.
- 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2925 (2017 йил 11 декабрдан кучга кирди).

5. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 9 августдаги 313-В-4, 25-сон «Нобанк кредит ташкилотларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларини тасдиқлаш ҳақида»-ги қарор, шунингдек унга ўзгаришлар ва қўшимчаларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»-ги қарори.
- 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2027-4 (2017 йил 11 декабрдан кучга кирди).
6. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи савдо вазирлиги, Давлат божхона қўмитасининг 2017 йил 28 августдаги 143, 127, 2017/04-13, 01-02/В-34-сон «Ўзбекистон Республикаси ҳудудига олиб киришда импорт божхона божини ва қўшилган қиймат солиғидан озоқ қилинадиган технология жамият рўйхатига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги қарори.

- 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2436-7 (2017 йил 11 декабрдан кучга кирди).
7. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси, Олий суди, Адлия вазирлигининг 2017 йил 28 августдаги 2017-45, 08/УМ-156-17, 8-сон «Юридик шахслар томонидан истеъмол қилинган электр энергиясини учун тўлов муддати ўтган дебитор қарзларни мажбурий тартибда ундириш тўғрисидаги йўриқномани тасдиқлаш ҳақида»-ги қарор, шунингдек унга ўзгаришларни ўз кучини йўқотган деб топиш тўғрисида»-ги қарори.
- 2017 йил 4 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1466-2 (2017 йил 11 сентябрдан кучга кирди).
8. Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитасининг 2017 йил 15 августдаги 2017-41-сон «Солиқ тўловчининг шахсий кабинетидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги низоми тасдиқлаш ҳақида»-ги қарори.
- 2017 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2926 (2017 йил 11 сентябрдан кучга кирди).

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқаруви, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратура ҳузуридаги Солиқ, валютага оид жиноятларга ва жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш департаментининг 2017 йил 5 сентябрдаги 343-В-1, 29-сон «Тижорат банкларида жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга ва терроризмини молиялаштиришга қарши курашиш бўйича ички назорат қондаларининг 22-бандига ўзгаришлар киритиш ҳақида»-ги қарори.
- 2017 йил 5 сентябрда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 2886-1 (2017 йил 11 сентябрдан кучга кирди).
10. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2

МЕҲНАТИМИЗ САМАРАСИ ШОГИРДЛАР КАМОЛИДА КЎРИНАДИ

Ўттиз тўрт йилдан буюн мактабда чет тилидан сабоқ бериб келаман. Бунинг сурури бошқача, масъулияти ҳам шунга яраша. Инглиз алифбосини иштиёқ билан ўрганишга киришган боланинг бошланғич таълим босқичидаёқ сўзларни ўзлаштириб, мулоқот қила бошлаганини кўриб, ростки, яйраб кетаман, машаққатларим унутилади. Бу, энг аввало, таълим соҳасини юксак даражага кўтариш йўлида олиб борилаётган саъй-ҳаракатлар меваси, қолаверса, фарзандларимизнинг қизиқиши ва интилишлари натижасидир.



римни кўрганда, шарафли касбни танлаганимдан чексиз фархланаман. Мамлакатимиз мустақиллигининг 26 йиллиги арафасида "Шухрат" медали билан тақдирландим. Биласизми, бу муқофот, энг аввало, бутун умри ўқитувчилик билан ўтган 87 ёшли отам, мен билан бир мактабда физика фанидан сабоқ бераётган турмуш ўртоғим, измиздан бориб, Наманган давлат университетиде педагогика соҳасида тахсил олаётган фарзандимиз Сарварбек, қолаверса, барча ҳамкасбларимни қанчалик тўлқинлантириб юборди?! Бу устоз ва мураббийларга кўрсатилаётган юксак ғамжўрликнинг бир ифодасидир.

Мана, янги ўқув йилини бошлаганимизга ҳам икки ҳафтадан ошди. Унинг масъулияти одатдагидан анча юқорилигини барчамиз сезиб турибмиз. Бойси, ўн бир йиллик таълим қайта тикланиб, фарзандларимиз тўлиқ ўрта таълим олиш имкониятига эга бўлишди. Уларнинг фан асосларини пухта эгаллаб, ҳаётга ҳар жиҳатдан тайёр бўлиб етишишлари йўлида астойдил меҳнат қиламиз, десам, бутун ҳамкасбларим фикрини ифодалаган бўламан.

Адибахон ТОЖИБОЕВА,
Норин туманидаги 16-умумтаълим мактабининг инглиз тили ўқитувчиси, «Шухрат» медали соҳибаси.

1 ОКТЯБРЬ — ҲИТОВЧИ ВА МУРАБИЙЛАР КУНИ

Аслида тил билишга иштиёқ аждодларимиздан мерос. Масалан, XIX асрда яшаб ўтган ватандошимиз — Тўрақўрғонлик аллома Исҳоқон Ибрат араб, форс, рус, инглиз, француз тилларини пухта эгаллагани учун жаҳоннинг илғор мамлакатларига сەҳнат қилиб, илм-фан, маданият ютуқлари билан яқиндан танишгани, уларни ўз юртида татбиқ этиб, миллат раванқига муносиб ҳисса қўшганини айтиш биламиз. Эътиборли жиҳати, орадан 120 йилга яқин вақт ўтгач, маърифат-парвар аждодимиз хизматлари эътироф этилиб, Президентимиз Шавкат Мирзиёев ташаббуси билан хотирасини абадийлаштириш, илмий-ижодий ва маърифий меросини чуқур ўрганиш масаласи кун тартибига киритилди. Тўрақўрғонда бу улуг инсон номи билан қўрилаётган мажмуада тил ўргатишга ихтисослаштирилган махсус мактаб ташкил этилаётганлиги ҳам диққатга сазовор.

Булларнинг барчаси мамлакатимизда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар, фарзандларимизнинг чуқур билим олиб, ҳар жиҳатдан комил инсон бўлиб етишишларига алоҳида аҳамият қаратилаётгани билан боғлиқ. Мазкур вазифаларни тўлақонли бажариш учун бугун юртимизда имконият кўп. Инновацион таълим технологиялари билан жиҳозланган замонавий мактаблардаги шарт-шароит кишида ҳавас уйғотади. Унга жавобан фақат сидқиқидан дидан қилишимиз, фарзандларимизни иродаси бақувват, билимдон инсон этиб тарбиялашнинг уда-сидан чиқишимиз талаб қилинади.

Айтиш керакки, ўқиш ва ўқитиш ишларини жаҳон андозалари даражасига кўтариш борасидаги саъй-ҳаракатларнинг аввалида ўқитувчи-мураббийнинг касбига меҳри ҳамда садоқати, билим ва тажрибаси тарафидан. Зеро, ўқувчиси ўз фанига қизиқтира олмаган, шогирдига етарли сабоқ бера олмаган муаллимнинг меҳнатидан наф қуттиш бефойда. Шундан келиб чиқиб, ўз

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ

2018 йил учун таянч докторантура, докторантура ва мустақил изланувчиликка қуйидаги мутахассисликлар бўйича қабул эълон қилади.

Т/р	Ихтисослик шифри ва номи	Таянч докторантурага (PhD) қабул квотаси	Докторантурага (DSc) қабул квотаси
1.	08.00.01 — Иқтисодиёт назарияси	1	1
2.	08.00.02 — Макроиқтисодиёт	3	
3.	08.00.03 — Саноат иқтисодиёти	2	
4.	08.00.05 — Хизмат кўрсатиш тармоқлари иқтисодиёти	2	
5.	08.00.06 — Эконометрика ва статистика	3	
6.	08.00.07 — Молия, пул муомаласи ва кредит	3	1
7.	08.00.09 — Жаҳон иқтисодиёти	1	
8.	08.00.10 — Демография. Меҳнат иқтисодиёти	2	
9.	08.00.11 — Маркетинг	4	1
10.	08.00.12 — Минтақавий иқтисодиёт	1	
11.	08.00.13 — Менежмент	4	
12.	08.00.15 — Тадбиркорлик ва кичик бизнес иқтисодиёти	1	
13.	13.00.12 — Таълим-тарбия назарияси ва методикаси	1	
14.	19.00.05 — Ижтимоий психология. Этнопсихология	1	
Жами		29	3

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.
Манзил: 100003, Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй.
Телефонлар: (0-371) 239-27-09, 239-01-43.
E-mail: info@tdiu.uz
Веб-саҳифа: www.tdiu.uz

«RESPUBLICA MILK MARKAZI» МҲҶ

Бошланғич баҳоси босқичма-босқич олиб бориш тартибда ўлкасидагилар оқибатда савдосига тақлиф этади.

Аукцион савдосига ҳарбий қисмлардан бирига қарашли, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амробиод кўчаси, 1-уйда сақланган қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилмоқда:

- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01/023 SCA бўлган, «Damas» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 14 837 000 сўм.**
- 1999 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01/094 SCA бўлган, «Damas» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 13 383 000 сўм.**
- 2000 йилда ишлаб чиқарилган, техник носоз, давлат рақами 01/101 SCA бўлган, «Orel Omega» русумли.
- Бошланғич баҳоси — 27 539 000 сўм.**

Аукцион савдоси 2017 йил 19 октябрь куни соат 11.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти).

Аризаларни қабул қилишнинг охириги мuddати — 2017 йил 17 октябрь куни соат 18.00.

Аукцион савдоси қолиби, деб топилган шахсга 10 кун мобайнида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода иштирок этиш учун ариза, закатлат пули туланганиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади. Талабдорлар автотранспорт воситалари билан мулк эгаси вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишишлари мумкин.

Талабдорлар автотранспорт воситаси умумий ҳолатини шахсан ўрганиб чиққан ҳолда, савдо ташкилотчиси билан тузилган закатлат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоиздан кам бўлмаган миқдордаги закатлат пулини «Respublika milk markazi» МҲЖнинг «Илак йўли» АИТБ «Сағбон» филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20210000300571452114, МФО: 01036, СТИР: 200933850.

Гувоҳнома № 001805.

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили: Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Корақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: (0-371) 228-79-52.

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ «ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ИЛМИЙ АСОСЛАРИ ВА МУАММОЛАРИ» ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ МАРКАЗИ

2018 йил учун қуйидаги ихтисосликлар бўйича таянч докторантура (PhD) ҳамда докторантурага (DSc) қабул эълон қилади.

Т/р	Шифри	Ихтисослик номи	Таянч докторантура (PhD)	Докторантура (DSc)
1.	08.00.12	Минтақавий иқтисодиёт	+	+
2.	08.00.02	Макроиқтисодиёт	+	
3.	08.00.10	Демография. Меҳнат иқтисодиёти	+	

Таянч докторантурада (PhD) ўқишга талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабдорлар учун);
- олий таълим магистратураси дипломи нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Президенти Давлат стипендиатлари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабдорлар мутахассислик ва чет тили (таълимнинг олдинги даражада ўрганилган хорижий тил) бўйича кириш имтиҳонлари топширадилар. Талабдорларда IELTS (ўртача балли камида 5,5) TOEFL (PBT) (567 балдан кам бўлмаган), TOEFL (iBT) (87 балдан кам бўлмаган), CEFR (B2 даражадан паст бўлмаган) бўйича тасдиқловчи амалдаги халқаро малака сертификатлари мавжуд бўлганда чет тилидан топшириладиган имтиҳонлардан озод этилади.

Докторантурада (DSc) ўқишга талабдорлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этишлари лозим:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабдорлар учун);
- олий таълим, фан номзоди ёхуд фалсафа доктори (PhD) ёки хорижий давлатларда унга тенглаштирилган илмий даражага эга бўлганлиги тўғрисидаги диплом нусхаси;
- тадқиқот мавзуси бўйича илмий маъруза ва фан доктори (DSc) илмий даражасини олиш учун тайёрланган докторлик диссертацияси режасининг муфассал лойиҳаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари.

Докторантурага талабдорлар коллегиал орган томонидан ихтисослик бўйича суҳбатдан ўтадилар. Таянч докторантурага кириш имтиҳонлари ва докторантурага кириш учун суҳбат 2017 йил 1 — 25 ноябрь кунлари ўтказилади.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Маълумот учун манзил: Тошкент шаҳри, Ислоҳ Каримов кўчаси, 49-уй, Тошкент давлат иқтисодиёт университети бош биноси, 14-қават. 14-07-хона.
Телефон: (0-371) 239-29-42.
website: www.cedr.uz
e-mail: info@cedr.uz

Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти

2018 йил учун олий ўқув юртидан кейинги таълим институтига қуйидаги ихтисосликлар бўйича қабул эълон қилади.

Таянч докторантурага:

(ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун)

- 17.00.02 — Театр санъати ва кино санъати. Телевидение — 1 ўрин.
- 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси — 1 ўрин.

Таянч докторантурага қуйидагиларга эга бўлганлар қабул қилинади:

- магистр даражасига ёхуд олий маълумот тўғрисидаги диплом (мутахассислик дастурлари бўйича)га эга бўлганлар;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун диссертация тадқиқоти асосини ташкил қилиши мумкин бўлган илмий натижалар, шу жумладан, илмий журналларда чоп этилган камида битта мақола ҳамда тегишли йўналишлар бўйича иккитадан кам бўлмаган илмий ишлар тўпламларига киритилган маъруза тезисларига эга бўлганлар.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабдорлар учун);
- олий таълим муассасаси магистратураси дипломи ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- нашр этилган илмий ишлар рўйхати, шунингдек, уларнинг нусхалари;
- Ўзбекистон Республикаси Президенти Давлат стипендиатлари тегишли ҳужжат нусхасини тақдим этадилар.

Таянч докторантурада ўқиш учун талабдорлар мутахассислик ва чет тили фанларидан кириш имтиҳонлари топширадилар.

Мустақил изланувчиликка:

(ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда ўқиш учун)

- 17.00.02 — Театр санъати ва кино санъати. Телевидение.
- 13.00.02 — Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси.

Фалсафа доктори (PhD) илмий даражасини олиш учун мустақил изланувчиликка қуйидагилар расмийлаштирилади:

- магистр даражасига ёки олий маълумот тўғрисидаги (ихтисослик бўйича) дипломга эга бўлганлар;
- белгиланган илмий мақолаларга эга бўлганлар;
- камида икки йиллик илмий-педагогик иш стажига эга бўлганлар.
- фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) ёхуд уларга тенглаштирилган хорижий мамлакатларда олинган дипломга эга бўлган, белгиланган тартибда талабдорлар мувофиқ, илмий даража олганидан сўнг, салмоқли илмий ютуқларга эришган шахслар расмийлаштирилади.

Талаб қилинадиган ҳужжатлар:

- ариза;
- қисқача биографик маълумотнома;
- фалсафа доктори (PhD) илмий даражаси олиш учун мустақил изланувчиликка сифатида расмийлаштиришга магистрлик ёки олий маълумот (мутахассислик дастурлари бўйича) тўғрисидаги диплом нусхаси;
- фан доктори (DSc) илмий даражаси учун мустақил изланувчиликка сифатида расмийлаштиришга фан номзоди ёки фалсафа доктори (PhD) дипломи ёки хорижда олинган унга тенглаштирилган бошқа илмий даража диплом нусхаси;
- меҳнат дафтарчасининг белгиланган тартибда тасдиқланган нусхаси (ишлаётган талабдорлар учун);
- илмий ишлар рўйхати ва уларнинг нусхаси;
- иш жойидан тавсифнома.

Мустақил изланувчиликка талабдорларни танлаб олиш 2017 йил 30 ноябргача бўлган мuddатда ихтисослик бўйича суҳбат натижалари ва қабул комиссиясининг тегишли хулосасига кўра амалга оширилади.

Ҳужжатлар 2017 йил 15 сентябрдан 15 октябргача қабул қилинади.

Кириш имтиҳонлари жорий йил 1 — 25 ноябрь кунлари бўлиб ўтади.

Манзил: Тошкент шаҳри, Мирзо Улуғбек тумани, Яланғоч мавзеси. Мурожаат учун телефонлар: (0-371) 230-28-03, 230-28-14.

Халқ сўзи Народное слово

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 945. 79 476 нусхала босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси
Конунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва
Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона (0-371) 233-52-55;
Котибият (0-371) 233-10-28; Эълонлар (0-371) 232-11-15.

Таҳририятда келган қўғамлар тақриб қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштиришга таъкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида термид ҳамда оператор М. Бегмуратов томонидан сақланади.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига «Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: (0-371) 233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи муҳаррир — Ф. Абиллов.
Навбатчи — М. Холматов.
Мухассиҳ — С. Исмолов.

«Шарк» нашрийт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили:
«Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 06.50 Топширилди — 07.30 1 3 4 5 6